

Мирзажонова Ферузахон Азизжон қизи

Фарғона давлат университети рус тили ва адабиёти йўналиши 2-босқич талабаси.

Аннотация: Ушбу мақолада атроф муҳитнинг бугунги кундаги экологик ҳолати ва муаммолари, инсон ҳаётига ва соғлигига таъсири ҳамда "яшил дунё – соғлом ҳаёт" тамойилининг долзарблиги кенг ёритилган. Табиатни муҳофаза қилишнинг экологик, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш тизими учун муҳим омил экани таъкидланди. Глобал ишиш, ҳавонинг ифлосланиши, сув танқислиги каби замонавий экологик муаммолар ҳамда ҳар бир инсоннинг экологик маданиятини ошириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Калит сўзлар: экология, табиатни асраш, яшил муҳит, соғлом ҳаёт, барқарор ривожланиш, тоза сув, тоза ҳаво, экологик маданият, чиқиндиларни камайтириш, қайта ишлаш, экологик хавфсизлик.

Аннотация: В данной статье широко освещаются современное экологическое состояние окружающей среды и её проблемы, влияние на жизнь и здоровье человека, а также актуальность принципа «зелёный мир — здоровая жизнь». Подчёркивается, что охрана природы является важным фактором для экологической, социальной и системы здравоохранения. Сохранение природы считается долгом и обязанностью каждого человека.

Ключевые слова: экология, охрана природы, зелёная среда, здоровая жизнь, устойчивое развитие, чистая вода, чистый воздух, экологическая культура, сокращение отходов, переработка, экологическая безопасность.

Abstract: This article extensively discusses the current ecological state of the environment and its problems, the impact on human life and health, as well as the relevance of the principle "green world – healthy life." It emphasizes that environmental protection is a crucial factor for ecological, social, and public health systems. Preserving nature is considered the duty and responsibility of every individual.

Keywords: ecology, environmental protection, green environment, healthy life, sustainable development, clean water, clean air, ecological culture, waste reduction, recycling, ecological safety.

Кириш:

Бугунги кунда замонавий жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида экологик барқарорликни таъминлаш каби стратегик вазифаландан бири сифатида

этироф этилмоқда. Сўнгги ўн йилликлар давомида саноатлашувнинг жадаллаши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ва чиқинди миқдорининг ўртиши, урбанизация жараёнининг кенгайиши ва бошқа сабаблар атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатмоқда. Натижада нафақат экологик муҳитга балки инсонларнинг жисмоний ва рухий саломатлигига таъсир этувчи омиллар кескин кўпаймоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ҳаво ифлослануви, сув танқислиги ва тупроқ деградацияси миллионлаб инсонларнинг турмуш сифати пасайишига, соғлигига боғлиқ турли касалликлар кўпаймоқда. Бу ҳолат экологик хавфсизлик масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва халқаро ташаббус ва жамият онгининг устувор йўналишига айланмоқда. Шу муносабат билан "Яшил дунё - соғлом ҳаёт" тамойли нафақат экологик ёндашув сифатида балки инсонларнинг ҳаётининг эҳтиёжлари, саломатлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи ижтимоий концепция сифатида ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу тамойил экологияни асраб авайлаш, қайта тикланувчи энергиялардан фойдаланиш, яшил зоналарни кўпайтириш, аҳоли орасида экологик тарбия ва маданиятни шакллантириш каби кўплаб йўналишларни камраб олади. Шунингдек яна бир муҳим омиллардан бири шуки, экологик муҳофаза масалаларини самарали хал этиш учун аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш ва ёш авлодга табиатга нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантириш ва кенг жамоатчиликни яшил ҳаёт тарзи тамойилларига жалб этишдир. Биз бу она табиатни асраш учун бор имкониятлардан фойдаланишимиз ва экологияга зарар етказмаслигимиз учун биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим ҳисобланади. Бугунги кунда экологияга катта зарар етишда ҳар бир инсоннинг асосий вазифаси ҳисобланган чиқиндиларни камайтиришимиз, кетилаётганда дарахтларни олдини олишимиз, ўсимлик ва ҳайвонот оламига зарар етказмасдан яшашимиз лозим эканлигини ва бурчимиз эканлигини билмоғимиз керак.

Ўзбекистон Республикасида ҳам экологик сиёсатни такомиллаштириш, "яшил иқтисодиётга ўтишни жадаллаштириш ва экологик лойиҳа ҳамда дастурларни кўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора тadbирларини амалга оширилмоқда. Шу боис ушбу мақолада "Яшил дунё - соғлом ҳаёт" тамойилининг мазмун-моҳияти, экологик хавфсизликни таъминлашдаги ўрни, инсон саломатлигига таъсири ҳамда, ушбу тамойилининг ҳаётга татбиқ этишнинг самарали механизмлари илмий-назарий асослар билан таҳлил қилинади.

Асосий қисм:

Инсон ва табиат бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир ва ҳар доим бир-бирини тўлдириб туради. Инсон, дунёга келибдики, табиат билан вояга етади. Шундай экан, табиатга инсонларнинг таъсири жуда катта ҳисобланади. Бугунги кунда табиат ва инсон ҳаётининг экологик хавф ортида қолаётгани сир эмас. Аввало инсонларда экологик тарбияни ва маданиятни шакллантириш керак. Экологик тарбия оиладан бошланади. Биз аввало уй, ҳовлини озода тутишимиз яшаш муҳитини яратишнинг

бошланиши ҳисобланади. Аслини олганда, экологик тарбия табиатни севиш ва асрашдан бошланади. Табиатга муҳаббат уни тушунишдан, асрашдан, унинг гўзалликларини англашдан, табиат билан муносабатга киришишдан бошланади. Ўз навбатида, табиат инсонда кузатувчанлик, сезгирлик, назокатлилик туйғуларини ифодалайди. Бугунги кунда қайси инсонларда табиатга бўлган муҳаббат, уни асраш каби ҳаракатларни қўриш мумкин? Аксинча, улар табиатга озор етказишяпти, ўзининг ва ўзгаларнинг соғлигига хавф солишгача боришмоқда. Ҳали ечим топилмаган қанча экологик муаммолар борлигини унутишиб энди эса яшил табиатни бутунлай йўқ қилишмоқда. Озон қатламини емирилиши, глобал исиб кетиш, атмосферанинг ифлосланиши кабилар борки, ҳали ҳануз буларнинг ечими топилмаган.

Яшил иқтисодиёт ва экологик маданият ўртасидаги муносабат, инсонларнинг турмуш тарзини ислоҳ қилиш, барқарор ривожланиш ва экологияни муҳофаза қилишда муҳимдир. Экологик маданиятни шакллантириш, янги авлодларга самарали табиатни сақлаш ва яшаш муҳим омиллардандир. “Яшил” иқтисодиёт, нажот маркази, иқтисодий ривожланиш ва модернизациянинг замонавий усули ҳисобланади. Экологик маданият, билим ва ахборот алмашинувини кузатади. “Яшил” иқтисодиёт доирасида, атроф-муҳитга оид таълим дастурлари ва семинарлар ижтимоий иштирокни рағбатлантиради. Инсонлар экологик маданиятни қўллаб-қувватласа, яшил иқтисодиёт ҳам ривожланади.

Аҳоли орасида экологик маданиятни ошириш жараёни давомли ва кўп қиррали йўлни талаб қилади. Ҳар бир инсон ўз бўлимида бу йўлда фаолият юритиши керак. Ижтимоий масъулият ва экологик билимсизликни тугатиш орқали келажак авлодларимиз учун тоза ва соғлом атроф-муҳит яратиш имкониятини кенгайтираемиз. Аҳолининг экологик маданияти атроф-муҳитни асраш борасида муҳим аҳамиятга эга. Экологик билимларни ошириш, кадриятлар ва амалиётларни ривожлантириш орқали, ҳар бир инсон атроф-муҳитга бўлган масъулиятини ҳис этиши ва уни сақлашга ҳисса қўшиши мумкин. Келажак авлодлар учун тоза ва соғлом атроф-муҳитни яратиш бу барчамизнинг бурчимиздир.

Яшил иқтисодиёт ва экологик маданият ўртасидаги ўзаро алоқалар мураккаб ва муҳимдир. “Яшил” иқтисодиёт табиатни муҳофаза қилиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган ёндашувларни ўз ичига олади. Бундай иқтисодий модел, шунингдек, ижтимоий ва экологик факторларни бирлаштиради ҳамда атроф-муҳит учун масъулиятли ва барқарор иш фаолиятини рағбатлантиради. Экологик маданият, инсонларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини ва анъаналари орқали бўлган кадриятларини тушуниш ва ривожлантириш учун зарурдир. Бу, нафақат шахсий, балки жамият даражасида ҳам экологик масъулиятнинг оширишига олиб келади. Экологик маданиятни

ривожлантириш, одамларни экологик билим ва қобилиятларни оширишга, турмуш тарзи ва қийматлар кўрсаткичларини ўзгартиришга йўналирилади.

Хусусан, мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш ва иқлим ўзгаришига мослашиш, асраш, чиқиндиларни бошқаришга қаратилган қатор муҳим стратегик ҳужжатлар қабул қилинди. Она табиатни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш ҳамда табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, айниқса, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида салмоқли ишлар бажарилди. Марказлашган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини яхшилаш бўйича дастурлар қабул қилинди.

Юртимизда шу каби экологияга оид кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Экологик партия ташаббуси билан юртимизда "яшил макон" умумий лойиҳасида 1 миллион туп дарахт кўчатларини экиш ташаббуси белгилаб олинган. Шу билан бирга, атмосфера ҳавосини чанг ва турли газ ва зарарли моддалардан ҳимоялаш мақсадида мамлакатимиздаги барча йирик саноат корхоналарида замонавий чанг ва зарарли моддаларни ўзида ушлаб қолувчи (филтр) замонавий ускуналар ўрнатиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган "Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам улуғ ишлар қилинди. Бугун Оро лбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳаланмоқда.

Хулоса:

"Яшил дунё - соғлом ҳаёт" тамойли экологик, ижтимоий ва саломатлик барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Атроф муҳитнинг ҳолати, инсон ҳаёти ва соғлом турмуш тарзига бевосита таъсир қилади. Дарахтлар экиш, чиқиндиларни камайтириш, ресурсларни тежаш ва оқилона фойдаланиш, ёш авлод экологик онгини шакллантириш орқали экологик барқарорлик ва соғлом турмуш тарзи яратиш мумкин. Шундай экан шу мақсадлар сари олга юрмоғимиз лозимлиги ва ҳар бир инсон ўзи ташаббус кўрсатиши керак деб ўйлаймиз. Биз бирлашиб соғлом ҳаёт ва соғлом келажак барпо этишимиз мумкин. Биз ёшлар ҳам табиатни асрашда бажони дил ёрдам беришимиз ва ушбу борада олиб борилаётган ислоҳотларга лаббай деб жавоб беришимиз, уларни қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Токи инсон тирик экан табиат унга ғамхўрлик қилаверади. Биз ўйлаймизки, экологияни асрашимиз учун, аввало, чиқиндиларни камайтиришимиз, уларни қайта ишлаш ёки қайта ишланган материаллардан тайёрланган маҳсулотларга эътибор бериш, бу чиқиндиларни сезиллари даражада камайтириши мумкин. Сувни тежаш, экологик транспортларни ҳаракатлантириш, барқарор эко ёқилғиларидан фойдаланиш ҳам муҳим саналади. Бугунги кунда экологияга энг катта хавфни транспортлар бераётгани маълум. Шунингдек, энергия самарадорлигини ошириш ҳам

муҳимдир. Биз экологияга хавф солаётган омилларни олдини олиш мақсадида замонавий технологиялардан фойдалансакгина "яшил дунё" барпо эта олишимиз мумкин. Таъкидлаб ўтганимиздек, табиатни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Табиатни асраш - соғлом ҳаёт ва барқарор жамият қуришнинг асосий омилидир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Бердалиев С.С. Экологик хавфсизлик ва уни таъминлаш муаммолари. – Тошкент: Фан, 2020.
2. Абдуқодиров А.А. Яшил иқтисодиёт: концепциялар, стратегиялар ва Ўзбекистондаги амалиёт. – Тошкент: Иқтисод, 2022.
3. Тешабаев Т.Т. Экологик тарбия ва маданият: назария ва амал. – Тошкент: Ўқитувчи, 2021.
4. Раҳмонов И.Э. Барқарор ривожланиш: экологик ва ижтимоий жihatлар. – Тошкент: Илм, 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш тўғрисида” (2020 йил 30 апрель).
6. UNEP (United Nations Environment Programme). Green Economy and Sustainable Development: A Pathway to a Greener Future. – Nairobi, 2020.